



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ НОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

“ 02 ” mart 20 21 y

Yaypan shahri 162 sonli

Ўзбекистон тумани Ғаниобод ММТП ҳудудидан Жонобод МФЙ Жонобод қишлоғи аҳолиси томорқа майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулаш учун ер майдони танлаш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлган бошқа эҳтиёжлар учун ер майдони танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи Ўзбекистон туман комиссиясининг Жонобод МФЙ Жонобод қишлоқ аҳолисига суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулашга ер майдони танлаш тўғрисидаги 2021 йил 15-февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ғаниобод ММТП ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг № 1825к-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,01 гектардан иборат ер майдонидан Жонобод қишлоғи аҳолиси томорқа майдонларини суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулашга танлансин.

3. Ғаниобод ММТП ҳудудида жойлашган ер майдонидан Жонобод қишлоғи аҳолиси томорқа майдонларини суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулаш ишларини лойиҳалаштиришга лойиҳа олди ҳужжатларини “Архитектура-режалаштириш топшириқлари” олиш, қурилиш ишларни архитектура-қурилиш маъёрлари ва талабларига биноан тасдиқланган лойиҳа, экспертиза ва ДАҚН рухсатномаси асосида олиб бориш Жонобод МФЙ раиси З.Хатамовага топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонидан 2 (икки) йил муддатда белгиланган мақсадда фойдаланишни бошламаса ушбу қарор бекор қилиниши Жонобод МФЙ раиси З.Хатамовага эслатиб ўтилсин.

5. Мазкур қарор Халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Сатторов зиммасига топширилсин.

Туман ҳокими:



Ш. Юлдашев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Жонобод МФЙ Жонобод қишлоғи аҳолисига Ғаниобод ММТП Жонобод қишлоғи ҳудудидан суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулашга ер майдони танлаш тўғрисида.

ДАЛОЛАТНОМАСИ

15.02.2021 йил

Жонобод МФЙ

Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг раиси:

Ш. Юлдашев - туман ҳокими

Комиссия раиси ўринбосари:

М. Сатторов - туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия аъзолари:

А.Ражабов- Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи
О.Вахобов- туман қурилиш бўлими бошлиғи
Ғ.Хамрақулов - Экология атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг
Ўзбекистон тумани бўлими бошлиғи
А.Сулаймонов- туман санэпидстанция бош врач
Ж.Мелиев - туман электр тармоқлари идораси бошлиғи
Д.Рахмонов - туман ИИБга қарашли ДЁН бўлими бошлиғи
Э.Рахимов - «Водийгазтаъминот» УК туман филиали директори
М.Мирзарахимов-Туман “Сув-оқава” Давлат корхонаси раҳбари
З.Хатамова- Жонобод МФЙ раиси

Иштирокида Жонобод МФЙ раиси ва Жонобод қишлоғи аҳолисининг туман ҳокимлигида 2020 йил 4 феврал кунги №143-сон билан қайд этилган аризаси жойида ўрганиб чиқдик.

Ўрганиш давомида Жонобод МФЙ раиси ва Жонобод қишлоғи аҳолиси Ғаниобод ММТП Жонобод МФЙ Жонобод қишлоғи ҳудудидан Давлат дастури асосида аҳоли томорқаларини суғориш мақсадида суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулаш учун ер майдони танлаш учун амалий ёрдам сўраганлиги аниқланди.

Жонобод МФЙ аҳолиси томонидан суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулаш учун сўралган ер майдони Ғаниобод ММТП Жонобод ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг №1825қ-контурда жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,01 гектар ер майдонидан иборат эканлиги, сўралган жой архитектура, санитария-гигиена ва ёнғинни олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш талабларига тўлиқ мос келишлигини аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб Ғаниобод ММТП Жонобод МФЙ худудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг №1825қ-контурида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ердан суғориш кудигини лойихалаш ва бурғилаш учун 0.01 гектар ер майдони танлаш ишларини бажардик.

Танланган ер майдони чегаралари:

- Шимолдан– экин ери, боғ
- Ғарбдан– экин ери, боғ
- Шарқдан – ариқ
- Жанубдан – маҳаллий йўл

Танланган ер майдони рельефи текислик булиб зилзилага бардошлилиги 8-9 балл.

Мухандислик тармоқларига тегишли ташкилотларнинг техник шарт ва хулосаларига асосан уланади.

Далолатномада танланаётган ва ажратилаётган ер майдони 1:10000 нисбатли харитадан кўчирмаси илова қилинган.

Комиссия раиси:

Ш.Юлдашев

Комиссия раиси ўринбосари

М. Сатторов

Комиссия аъзолари:

А.Ражабов

О.Вахобов

Ғ.Хамракулов

А.Сулаймонов

Ж.Мелиев

Д.Рахмонов

Э.Рахимов

М.Мирзарахимов

З. Хатамова





17.02 2021 й.

№ 07-04-108

Туман ҳокими Ш. Юлдашевга

Нусхаси: Жонобод МФЙ раиси З. Хатамовага

Жонобод МФЙ раиси ва Жонобод МФЙ аҳолисининг туман ҳокимлигида 2021 йил 4 феврал куни №143-сон билан қайд этилган аризасини ўрганиш юзасидан

Маълумот

Жонобод МФЙ раиси ва Жонобод МФЙ аҳолисининг туман ҳокимлигида 2021 йил 4 феврал куни №143-сон билан қайд этилган аризаси Кадастр агентлигининг Ўзбекистон туман бўлими томонидан жойида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида Жонобод МФЙ раиси ва Жонобод МФЙ аҳолиси Фаниобод ММТП Жонобод МФЙ ҳудудидан аҳоли томорқа майдонларини суғориш кудуғини лойихалаш ва бурғулаш учун ер майдони танлашга амалий ёрдам сўраганлиги аниқланди.

Ариза тегишли тартибда ўрганиб чиқиб, шуни маълум қилинадики, сўралган ер майдони Фаниобод ММТП Жонобод МФЙ ҳудудида жойлашган №1825қ-контурдаги 0.01 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони эканлигини ҳисобга олиб, Фаниобод ММТП Жонобод МФЙ ҳудудидан аҳоли томорқа майдонларини суғориш кудуғини лойихалаш ва бурғулаш учун ер майдони танлашга рухсат бериш туман ҳокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатда бўлган Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан кўриб чиқишти биздирилади.

Кадастр агентлигининг
туман бўлими бошлиғи :




А.Ражабов

Бажарувчи:  А. Йўлдошев

Ғаниобод ММТП худуди № 1825-контурда жойлашган жойлашган ер
майдонинг харитадан.

КЎЧИРМАСИ



Туман Ер ресурлари ва давлат
кадастр бўлими бошлиғи:



А.Ражабов

Бажарувчи:

А.Йўлдошев